

Шаввол ойининг фазилати



19:15 / 20.06.2018 15070

Аллоҳ таолонинг биз, бандаларга ато этган неъматлари беҳисоб, уларнинг саноғига етиш ҳам қийин. Аммо Парвардигорнинг бир неъматини ҳам борки, унинг нақадар муҳимлигини ҳар бир мусулмон жуда яхши билади. Бу неъмат инсонларнинг ҳаёт кечирини ва ибодат қилиш вақтларини аниқлаб-белгилашга хизмат қилувчи йил ва ой ҳисобининг жорий этганидир.

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади: **“Биз кеча ва кундузни (қудратимизни кўрсатиб турадиган) икки белги қилиб қўйдик. Кечанинг белгисини ўчирдик. Кундуз аломатини эса, Раббингиздан фазл (ризқ) исташларингиз учун ҳамда йиллар саноғини ва ҳисобини билишингиз учун ёруғлик қилиб қўйдик. Барча нарсани батафсил баён қилиб қўйганмиз”** (Исро сураси, 12-оят); **“Аллоҳ қуёшни зиё (таратувчи) ва ойни нур (сочувчи) этган ҳамда йилларнинг ададини ва (вақт ва замонга доир) ҳисобни билишларингиз учун (ойни) манзилларга ўлчаб қўйган Зотдир”** (Юнус сураси, 5-оят).

Мусулмон олами Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг Маккадан Мадинага кўчишлари, яъни ҳижрат қилишларидан ҳисоби юритилувчи ҳижрий-қамарий тақвимга кўра йил ҳисобини юритади. Ана шу тақвимнинг ўнинчи ойи шавволдир. Маълумки, муборак Рамазон ойи билан хайрлашиб,

мана шаввол ойини ҳам бошлаб юбордик. Бу ой динимиздаги фазилатли ойлардан ҳисобланади. Шаввол ойи ҳам зулқаъда ва зулҳижжа ойлари каби ҳаж ибодатини қилиш мавсуми саналади.

Шаввол ойининг фазилатларидан энг муҳими ва эътиборлиси Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу ойда олти кун рўза тутишни биз, умматларига суннат қилиб қолдирганлар. Юқорида айтганимиздек, шаввол ойи ҳижрий сананинг ўнинчи ойи ҳисобланади. Бу ойда соғлиғи ва имкони бўлган киши нафл рўзасини тутса, Аллоҳ таоло бу бандасига кўп ажру мукофотларларни беришини ваъда қилган. Ҳақ таоло бундай марҳамат қилади: “Ким (бир) ҳасана (савобли иш) қилса, унга ўн баробар (кўпайтириб ёзилур)...” (Анъом сураси, 160-оят).

Абу Айюб Ансорий (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: **“Ким Рамазон рўзасини тутиб, кетидан шаввол ойдан олти кун рўза тутса, йил бўйи рўза тутгандек бўлади”**

(Имом Муслим, Аҳмад, Термизий ривояти).

Юқоридаги ҳадис Аллоҳ таолонинг оятидаги: “Ким (бир) ҳасана (савобли иш) қилса, унга ўн баробар (кўпайтириб ёзилур)...” сўзининг изоҳидир. Чунки бир ҳижрий сана деярли 360 кундан иборат. Рамазон рўзаси ўттиз кун бўлиб, бунинг ўн баравари уч юз кунга тўғри келади. Бу ёғига яна олтмиш кун қолади. Агар шаввол ойда ҳам олти кун рўза тутилса, бу олтмиш кунга тенг бўлиб, бир йил тўлиқ бўлади.

Ибн Умардан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади. Набий (соллаллоҳу алайҳи васаллам): “Ким Рамазон рўзасини тутиб, ортидан шаввол ойда олти кун рўза тутса, ҳудди онадан туғилгандек гуноҳлардан фориғ бўлади”, деган эканлар (“Ат-Тарғиб ват-тарҳиб” китобидан).

Шаввол ойи рўзасини тутиш борасида бошқача фатволар ҳам мавжуд. Баъзи уламолар: “Узлуксиз олти кун кетма-кет тутиш керак”, дейишган. Аммо “Оламгирия”, “Заҳирия” ва “Хулоса” номли фатво китобларида келтирилишича: “Икки ҳайит кунлари, ташриқ кунлари (қурбон ҳайити арафасидан бошлаб беш кун давомида) нафл рўза тутиш макруҳдир. Рўза ҳайитидан кейин олти кун шаввол ойда рўза тутиш мустаҳаб амаллардандир. Лекин пайдар-пай эмас, балки ҳар ҳафтада икки кундан тутиш лозим бўлади”. Қолаверса, нафл рўзанинг энг афзали бир кун тутиб, бир кун тутмаслик экани тўғрисидаги фатволар ҳам бор.

Қўшимча қилиб шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, агар бир киши Рамазон рўзасидан айрим кунларни тутолмаган бўлса, аввал унинг қазосини ўтайди, кейин нафлга киришади. Зеро, фарзлар мукамал бўлмасдан, нафл ибодатларини қилиш мақбул эмасдир.

Рамазон ойидан кейин келадиган шаввол ойида олти кун нафл рўза тутишга тарғиб қилишнинг ўзига яраша ҳикмати ва аҳамияти бор. Аввало, динимизда ҳамиша турли нафл ибодатларга, хусусан ҳамиша нафл рўза тутишга тарғиб қилинади. Қолаверса, бутун Рамазон ойи мобайнида рўза тутиб юриб, шавволда бирдан ўзини овқатга уриш ҳам руҳий, ҳам саломатлик жиҳатидан унча тўғри бўлмайди. Табиблар ҳам очликдан чиққан кишиларга овқат истеъмолини аста-секин кўпайтиришни тавсия қилишади.

Шаввол ойи яна Ислом тарихида пайғамбарликнинг ўнинчи йилида тоифликларни Исломга даъват қилиш учун бориб катта машаққат ва хўрликларга учраган ой сифатида ҳам маълумдир. Пайғамбар алайҳиссаломнинг Тоиф сафарлари айнан шаввол ойида бўлган эди. Тоиф ҳозирги Саудия Арабистонидаги бир шаҳар бўлиб, у Маккадан 60 мил (115 км.) узоқликда жойлашган. Ислом келганида Тоифда яшовчи Сақиф қабиласи бутпараст бўлган. Пайғамбар алайҳиссалом тоифликларни Исломга даъват қилиш мақсадида Макка даврининг ўнинчи йили шавволида (милодий 609 йили) Тоифга сафар қиладилар. Шаҳар аҳли ўн кун мобайнида қилинган даъватга қулоқ солмади, аксинча Расулulloҳ ва у зотнинг шерикларини тошбўрон-ҳақоратлар билан Тоифдан қувиб чиқаради.

Сарвари олам Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз мавлолари Зайд ибн Ҳориса розийаллоҳу анҳунинг ҳамроҳликларида ўзлари гўдакликларида эмизиш, кўксиларини ёриб тозалаш воқеаларини ва шундан кейинги бир муддатни ўтказган Бани Саъд қабиласи ерлари орқали Тоиф томонга кетмоқдалар. Улар шояд Тоифдан бирор ёруғлик чиқса, маҳзунлик ариса, даъват ишлари юришиб кетса, деган умиддалар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Тоифга етиб борганларидан кейин диёр аҳолиси асосини ташкил қилувчи Сақиф қабиласи аҳёнлари билан учрашдилар. Улар билан мажлис қуриб, Исломга даъват қилдилар. Аммо уларнинг жавоби энг ёмон жавоб бўлди. Улар у зот алайҳиссаломни масхара қилишди. Бу ҳам етмаганидек ўзларининг эси пастлари, қуллари ва бебош болаларини Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни сўкишга, ортларидан қичқиришга ва тош отишга чорлашди. Тоифликлар йўлнинг

икки четига туриб олиб, у зот олдиларидан ўтаётганда аёвсиз тошбўрон қилишди.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оёқлари қонга, қалблари эса дарду аламга тўлди. Аммо бағри кенг, комил хулқ эгаси бўлмиш Пайғамбар алайҳиссалом шунда ҳам тоифликларни баддуо қилмадилар, имконлари бўлиб кейин ҳам ўч олиб ўтирмадилар. Аксинча тиллари Аллоҳ таолога илтижога-дуога тўлди: «Эй бор Худоё! Ўзингга қувватим заифлигидан, ҳийлам озлигидан, одамлар олдида ожизлигимдан шикоят қилурман! Эй раҳмлиларнинг раҳмлиси, Сен заифҳолларнинг Парвардигорисан! Сен Парвардигоримсан! Мени кимларга топшириб қўйдинг?! Мени ёқтирмайдиган нотанишларгами?! Ёки ишимни душманга топширдингми?! Агар менга ғазаб қилмаган бўлсанг, буларга эътибор бермайман! Фақат Сенинг офиятинг мен учун кенгдир. Зулматларни ёритган ҳамда дунё ва охират ишини салоҳиятли қилган юзинг нури ила, менга ғазабинг нозил бўлишидан ва қаҳринг тушишидан паноҳ тилайман. Токи рози бўлгунингча узримни айтаман. Фақат Аллоҳдагина имкон ва қувват бордир».

Аллоҳ таоло Ўз пайғамбарининг бу дуоларини дарҳол қабул қилди. Шу ондан ишлар аста-секин юриша бошлади. Шунда Аллоҳ таоло у зотнинг ҳузурларига тоғ фариштасини юборди. У келиб, икки тоғни бир-бирига уриштириш билан Тоиф аҳлини ҳалок қилиб юборишга изн сўради.

Лекин Аллоҳ таоло томонидан оламларга раҳмат қилиб юборилган зот бу ишга изн бермадилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салам тоғ фариштасига: “Уларнинг пушти камаридан Аллоҳнинг ёлғиз Ўзига ибодат қиладиган, Унга ҳеч нарсани шерик қилмайдиган одамлар чиқишини умид қиламан”, дедилар. Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламини бундай ҳолда кўрган Утба ибн Робиъа ва Шайба ибн Робиъаларнинг раҳмлари келди. Ўзларининг Аддос исмли насроний қулларини чақириб: “Узилган узумдан олиб, манави товоққа солгин-да анави одамга олиб бор, ундан есин”, дейишди. Аддос узумни олиб келиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига қўйди ва “Ёнг!” деди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам “Бисмиллаҳ” дедилар-да қўлларини узатиб, узумдан олиб едилар. Шунда Аддос ажабланиб: “Аллоҳга қасамки, ушбу диёр аҳли бу гапни айтмайди”, деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ундан “Сен қайси юртдансан, қайси диндансан?” деб сўрадилар. “Насронийман, Найнаво деган юртданман”, деди у. “Солиҳ киши Юнус ибн Маттонинг қишлоғиданмисан?” дедилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва

саллам. “Юнус ибн Матто ким бўлди?” деди Аддос. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “У биродарим, набийлардан эди, мен ҳам Набийман”, дедилар. Шунда Аддос ўзини у зотга отиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бошлари, оёқ-қўлларидан ўпа бошлади. У мусулмон бўлди.

Макка фатҳидан кейин Ҳунайн ва Автос ғазотларида мағлубиятга учраган бутпараст Ҳавозин қабиласи раиси Малик Тоифга қочиб борган эди. Чунки шаҳар бутпарастликнинг охириги уяси бўлиб турарди. Шунинг учун мусулмонлар Тоифни қамалга олишди. Бир ойлик қуршов ва ҳужумлардан кейин улар шаҳарни ташлаб кетишди. Тоифликлар бир қанча вақт ўтиб мусулмонликни қабул қилишди ва бутларни парчалаб ташлашди.

Мана, шаввол ойидаги биргина воқеанинг тафсилоти билан танишдингиз. Ушбу ойда бундай воқеа-ҳодисалардан жуда кўпи содир бўлган. Ҳижрий биринчи йили шаввол ойида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳазрати Оишага (розийаллоҳу анҳо) уйланганлар. Иккинчи ҳижрий сана шаввол ойида Бани Қайнуқоъ ғазоти бўлган. Худди шу пайтда Сувайқ уруши ҳам бўлган. Учинчи ҳижрий йилнинг 15 шаввол куни Ислом тарихида чуқур из қолдирган Уҳуд жанги бўлиб ўтди. Бешинчи ҳижрий йилнинг шу ойида Ҳандақ уруши бўлган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мўминлар онаси Умму Салама розийаллоҳу анҳога уйланишлари ҳижрий тўртинчи йилнинг шаввол ойида бўлиб ўтди.

Шунинг учун ушбу ойнинг фазлидан олти кун нафл рўзаларни ихлос ва эҳтимом билан тутиб, саобли ишларимизни янада кўпайтирайлик. Аллоҳнинг Расули башорат берганларидай ушбу ойда олти кун нафл рўза тутиб, бир йил мобайнида рўзадор юрганлик савобига эришайлик. Аллоҳ таоло қилган ибодатларимизни ва тутган нафл рўзаларимизни ҳусни қабул айласин, барчаларимизни икки дунё саодатига мушарраф айласин!

"Ҳилол" электрон журналидан